

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАЕВА САНОБАР АБСААТОВНА

ПЕДАГОГИК КОРРЕКЦИЯ ВОСИТАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН НИЗОЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

Джумаева Санобар Абсаатовна

Педагогик коррекция воситасида олий таълим
жараёнида юзага келадиган низоларни
бартараф этиш технологияси.....5

Джумаева Санобар Абсаатовна

Технология устранения конфликты возникшие
в процессе высшим образование со средствами
педагогической коррекции.....

Djumayeva Sanobar Absaatovna

Technology elimination conflicts arising
in the process of higher education with funds
pedagogical correction.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАЕВА САНОБАР АБСААТОВНА

ПЕДАГОГИК КОРРЕКЦИЯ ВОСИТАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН НИЗОЛАРНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped268 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университети умумий педагогика кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент давлат педагогика университети веб-сайти (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзиева Дилноз Исомжоновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хакимова Мухаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги педагогика фанлари бўйича илмий даража берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2020 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси)

Р.Ҳ. Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., академик

Р.Г. Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н.

А.Х. Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, олий таълим тизимида ўқитиш сифатини баҳолашга ягона ёндашувни қарор топтириш бугунги куннинг долзарб масалалари бўлиб, уларни ҳал этиш йўлида халқаро тенденциялар қарор топмоқда. “2020 йилга қадар таълим ва касбий тайёргарлик соҳасидаги Европа кенгаши мамлакатларининг Ҳамкорлик стратегияси”да таълим мазмунини тубдан янгилаш, ўқитиш жараёнига замонавий технологияларни татбиқ этиш, олий таълимни ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолашга ягона ёндашувни қарор топтириш, инновацион таълим шароитида юзага келадиган педагогик низоларни ҳал этишнинг конструктив технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда педагогик низоларнинг манбаи сифатида низоли хулқ-атворли талабаларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаштириш, низоли хулқ-атворга мойилликнинг намоён бўлишини гендер хусусиятларини тадқиқ этишга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларни бартараф этишнинг витаген технологияларини ишлаб чиқиш, педагогик коррекция воситасида профессор-ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга ижобий-эмоционал муносабатини шакллантириш, коррекцион-тарбиявий тадбирлар воситасида талабаларда низоли хулқ-атворни бартараф этишнинг медиация технологияларини ишлаб чиқиш, олий таълимда низоли вазиятларни юзага келишининг янги стратегияси сифатида кибербуллингнинг (кибербуллинг бу телефон, смартфон ёки компьютер орқали камситиш, маънавий хўрлаш, ҳақоратлаш ёки кўрkitиш) ўзига хосликларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда олий таълим жараёнига инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг инновацион таълим шароитида ҳамкорликдаги фаолиятини мақбул уйғунлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, интерфаол таълим шароитида ўқитиш жараёнида талабаларни педагогик қўллаб-қувватлаш, қулай таълим муҳитини яратиш, таълим олиш учун оптимал шарт-шароитларни таркиб топтириш, талабаларда конфликтологик компетенцияни ривожлантиришнинг коррекцион технологияларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” [3] каби муҳим вазифалар белгиланди. Мазкур вазифалар педагогик коррекция воситасида олий

таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этиш ҳамда ана шу мақсадга хизмат қилувчи педагогик технологияларни такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон[3], 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон[6] Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон[4], 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3775-сон[5] Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим тизимида педагогик низолар профилактикаси ва коррекцияси, психологик асослари республикамиз олимларидан Ш.Абдуллаева, Д.Рўзиева, Н.Азизходжаева, М.Ахмедова, М.Давлетшин, С.Жалилова, Х.Ибрагимов, Х.Каримов, В.Каримова, Д.Нарзиқулова, З.Салиева, Г.Туйчиева, А.Холиқов кабилар томонидан тадқиқ этилган.

МДҲ олимларидан А.Анцупов, А.Белкин, В.Журавлев, Э.Киршбаум, А.Лобанов, И.Мариновская, В.Цветков, А.Гришин, М.Рыбакова, А.Шипилов кабилар томонидан шахслараро низоларни бошқариш, бўлажак ўқитувчиларни педагогик низолар диагностикаси ва коррекциясига тайёрлаш масалалари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан J.Burton, F.Dukes, L.Coser, G.Mead, T.Gordon, K.Thomas, A.Eagly, B.Johnson кабилар жисмоний, вербал, ижтимоий бикиқлик, миш-миш ва кибербуллинг таъсирида талабаларда тажовузкор хулқ-атворнинг намоён бўлиши ва педагогик низоларни бартараф этишнинг коррекцион технологиялари бўйича илмий изланишлар олиб боришган.

Бироқ инновацион талим шароитида олий талим тизимида юзага келадиган педагогик низоларни бартараф этишда педагогик коррекция имкониятларидан фойдаланиш масаласи алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган. Педагогик низоларнинг юзага келиш омилларини тадқиқ этиш, ўз навбатида педагогик коррекция воситасида

самарали бартараф этиш технологиясини такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-122. “Юксак маънавиятли шахсни ривожлантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) ОТ-Ф1-36. “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагогик коррекция воситасида олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этишнинг ижтимоий-педагогик технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларнинг педагогик-психологик омиллари ва ўзига хосликларини аниқлаштириш;

замонавий ёндашувлар асосида олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни ташхис этиш мазмунини ёритиб бериш;

олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этишнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш;

педагогик коррекция воситасида низоларни бартараф этиш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети педагогик коррекция воситасида олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этиш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида педагогик, психологик ва методик адабиётларни ўрганиш; қиёсий таҳлил; ижтимоий методлар (анкета, суҳбат, интервью); тест; педагогик кузатиш; моделлаштириш; педагогик тажриба; математик статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим жараёнида юзага келадиган педагогик низоларни ташхис этиш синергетизм, тизимлилик ва яхлитлик, объективлик, кўп томонламалилик, сифат таҳлили, апперцепция, ривожланиш, шахсни ўрганиш ва тарбиянинг бирлиги тамойилларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

педагог конфликтологик маданиятини ривожлантиришнинг когнитив, перцептив, аксиологик, фикрий-фаолиятли ва коммуникатив-ижодий компонентлари умуммаданий ва коммуникатив компетенцияни мақбул уйғунлаштириш асосида аниқлаштирилган;

талабаларда конфликтологик компетентликни ривожлантиришнинг гносеологик, праксиологик, аксиологик ва рефлексив босқичлари бўлажак мутахассисни касбий ва шахсий ижтимоийлаштириш механизмларига

устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим жараёнида юзага келадиган педагогик низоларнинг коррекцион технологиялари низоларнинг морфологик таҳлили, эркин ассоциациялар методи, кейс-стади, рефлексив-баҳоловчи, ахборий-таҳлилий вазиятларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талаба шахсида низоли хулқ-атворнинг намоён бўлишининг синергетик тузилмаси аниқлаштирилган;

педагогларда конфликтологик маданиятини ривожлантириш тизими такомиллаштирилган;

олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этишнинг диагностик-коррекцион воситалари ишлаб чиқилган;

профессор-ўқитувчиларни инновацияларга консерватив муносабатини бартараф этиш юзасидан қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Билиш назарияси методологияси (билиш диалектикаси, ўқув фанлари мазмуни, ижтимоий (таълим) жараёнини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар тадқиқотчилари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминланганлиги; олинган натижаларнинг ишончли математик-статистик метод ёрдамида таҳлил қилинганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогик коррекция воситасида олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этиш методикасини такомиллаштиришнинг моҳияти, педагогик имкониятлари, назарий-методик ва ташкилий асослари ва олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилари тайёрлашни такомиллаштиришнинг самарали имкониятлари, шакллари, методлари яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогик коррекция воситасида олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этиш методикасининг такомиллаштирилганлиги, педагогик коррекция воситасида олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этиш модулининг ишлаб чиқилганлиги, педагогик коррекция воситасида олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этишга доир амалий-методик тавсияларни ишлаб чиқилганлиги ҳамда эришилган натижалар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган педагогик туркум фанларни ўзлаштиришда самарали натижалар қўлга киритилишига хизмат қилиши билан изоҳланади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган дидактик

таъминотдан педагогика соҳасига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогик коррекция воситасида олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

олий таълимда юзага келадиган педагогик низоларни ташхис этиш синергетизм, тизимлилик, яхлитлик, объективлик, кўп томонламалилик, сифат таҳлили, апперцепция, ривожланиш, шахсни ўрганиш ва тарбиянинг бирлиги тамойилларига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир таклифлардан 5A110903 – Таълим муассасаларини бошқариш магистратура мутахассислиги Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги 89-03-1234-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак менежерларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

педагог конфликтологик маданиятини ривожлантириш бўйича аниқлаштирилган когнитив, перцептив, аксиологик, фикрий-фаолиятли ва коммуникатив-ижодий компонентларига доир таклифлар “Умумий педагогика”, “Педагогик маҳорат” фанларидан модулли таълимни ташкил этиш мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги 89-03-1234-сонли маълумотномаси). Натижада бўлажак педагогларнинг конфликтологик маданиятини ривожлантиришга доир интерфаол таълим технологияларини самарали қўллашга хизмат қилган;

олий таълим жараёнида юзага келадиган педагогик низоларнинг коррекцион технологиялари низоларнинг морфологик таҳлили, эркин ассоциациялар методи, кейс-стади, рефлексив-баҳоловчи, ахборий-таҳлилий вазиятларни ишлаб чиқишга доир таклифлар 2015-2017 йилларда бажарилган “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” номли амалий грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаанилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги 89-03-1234-сонли маълумотномаси). Натижада аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида талабаларда толерантлик тафаккурини ривожлантиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 26 та мақола, жумладан, 22 та республика ва 4 та хорижий журналларида чоп этирилган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши: диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 167 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган. Диссертациянинг биринчи боби **“Олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни ташхис этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган бўлиб, олий таълим жараёнида юзага келадиган педагогик низоларнинг моҳияти, тузилиши, функциялари, олий таълим жараёнида юзага келадиган педагогик низоларнинг синергетик тавсифи, олий таълим жараёнида юзага келадиган педагогик низоларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганилди.

“Низо” тушунчасининг муқобили “конфликт” атамаси саналади. “Конфликт” сўзи лотин тилидан таржима қилинганда “тўқнашув” маъносини англатади. “Низо” тушунчаси негизида қуйидаги мазмун ифодаланади: моҳиятига кўра низо – бу муайян масала ёки вазифани ҳал қилишда юзага келадиган зиддиятли ҳолат; таркибий тузилишига кўра низо маълум жараён иштирокчилари, субъектлари ўртасида юзага келади; келиб чиқиш сабабларига кўра низо маълум масалада томонларнинг бир-бирига зид ечимларни таклиф этиши ёки улар манфаатларининг ўзаро тўқнауви билан боғлиқ; натижавийлигига кўра ҳар қандай низо ижобий ва салбий характерга эга; давомийлигига кўра эса низолар қисқа ва узоқ муддатли муаммоларга дуч келади.

Тадқиқот доирасида низоларнинг юзага келиш сабабларини таҳлил этиш учун “низоларнинг сабаблари”, “низо омиллари”, “низони юзага келтирувчи шарт-шароитлар” тушунчалари аниқлаштирилди. Таҳлил натижалари низо нафақат ташқи сабаблар, балки шахснинг ички олами билан боғлиқ қатор омиллар, шарт-шароитлар натижасидир. Мазкур ҳолат билан боғлиқликда педагогик низолар масаласи билан шуғулланган олимлар низо вазияти билан боғлиқ бир ҳодисани турли ном билан аташади: кимдир сабаб, яна кимдир омил, бошқа бири шарт-шароит сифатида талқин этади. Бизнингча, низоларни юзага келтирувчи шарт-шароитлар ўзида вазият содир бўлган муҳит тавсифини аниқлаб беради; омиллар низонинг содир бўлиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган шарт-шароитнинг алоҳида томонини ўзида акс эттиради; сабаблар низоли вазиятларни бевосита юзага келтиради, унинг предмети ва мазмунини аниқлаб беради. Бу эса, фаолият ва муносабатда намоён

бўладиган шахснинг чуқур қайғуриши билан боғлиқ шахсий-субъектив майл-истагидир. Омиллар сабабнинг ривож учун имконият яратади ёки тўсқинлик кўрсатади, унинг мазмунига эмас, кучи ва давомийлигига таъсир этади.

Педагогик низо асосида маълум бир масала юзасидан томонларнинг нуқтаи назари, мақсад ва унга эришиш воситалари, қизиқиш ва хоҳиш-истакларнинг турли-туманлиги, ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг мос келмаслиги натижасида юзага келадиган вазият ётади. Педагогик жараёнда низо мазкур жараён субъектларининг эҳтиёж, мотив, мақсад, установка, нуқтаи назарлари, хулқ-атворининг ўзаро мос келмаслиги билан шартланадиган ҳал этилиши мураккаб бўлган эмоционал муносабатларни ўзида акс эттиради. Ана шу нуқтаи назардан “педагогик низо” тушунчасини шахснинг таълим-тарбиясига дахлдор субъектларнинг фаолиятлари нуқтаи назаридан изоҳлаш ўринли бўлади: **педагогик низо** – бу таълим ва тарбия жараёни субъектлари (таълим муассасаларининг раҳбарлари, педагоглар жамоаси, талабалар ҳамда уларнинг ота-оналари) ўртасида юзага келадиган ва бир-бирига мос келмайдиган манфаатлар тўқнашуви. Тадқиқот жараёнида педагогик низолар макро- ва микроижтимоий ёндашувларга асосан таҳлил этилди. Умумий маънода макроижтимоий ёндашув жамият ва унинг алоҳида ижтимоий институтларига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мазкур ёндашув жамият ривож билан боғлиқликда олий таълимни узлуксиз таълим тизимининг алоҳида тури сифатида кўриб чиқиш имконини беради. Шу билан бирга макроижтимоий ёндашув олий таълим жараёни субъектларининг ўзаро муносабатларининг ўзига хосликлари, иштирокчиларнинг ижтимоий-психологик тавсифини ҳисобга олишга имкон беради ва олий таълимдаги низоли хулқ-атвор стратегиясини аниқлашга ёрдам беради.

Назарий-методологик асос сифатида макроижтимоий ёндашувлар орасидан қуйидагилар алоҳида ўрганилди:

1) педагогик низоларнинг асосида таълим жараёни субъектларининг нуқтаи назарлари ва қизиқишларининг турфа хиллиги масаласи турувчи Р.Дарендорфнинг концептуал ғоялари;

2) педагогик низони ижтимоий касаллик сифатида тавсифлашга доир Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, Н.Смелзернинг тузилмали-функционал ёндашуви. Мазкур ёндашувга кўра, мурасага асосланган муносабатларни қўллаб-қувватлаш ижтимоий тенгликнинг асоси сифатида қаралади.

Педагогик низолар таълим жараёни иштирокчилари ўртасидаги турли соҳаларда ташкил этиладиган муносабатларни қамраб олади. Низоларни уларнинг турли кўрсаткичлари бўйича туркумлаштириш мумкин. Педагогик низолар давомийлигига кўра: тезда якун топадиган низолар (жуда юқори ҳиссиётли ҳаракатлар билан бошланиб, ўзида низога киришувчиларнинг чуқур салбий муносабатларини акс эттиради; бу каби низолар оғир ва фожиали якун топиши ҳам мумкин); узоқ муддат давом

этадиган низолар (томонлар ўртасидаги зиддиятлар етарли даражада чуқур, барқарор, мураккаб бўлган вазиятларда юзага келади; бундай низоларни ҳал қилиш осон эмас); кучсиз, суст кечадиган низолар (у қадар кескин тус олмаган қарама-қаршиликларни намоён этадиган низолар бўлиб, улар, одатда, зиддиятга киришаётган томонлардан бирининг фаоллиги, иккинчи томоннинг эса имкон қадар низодан қочиши билан тавсифланади; бу каби низоларнинг ечимини топиш ҳам бир мунча қийин; уларнинг ечими ташаббускор томоннинг қарорига боғлиқ бўлади); кучсиз, тез кечадиган низолар (ўзаро қарама-қаршиликлар, тўқнашувчиларнинг бир қадар ижобий шакли бўлиб, агарда у зиддиятга киришувчи томонлар ўртасидаги ягона низо бўлса, у ҳолда уни ижобий ҳал қилиш имконияти мавжуд).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, кўпчилик мутахассислар алоҳида инсон, шунингдек жамоа фаолияти самарадорлиги низо ҳодисасини ташхис этишдан кўра, унинг олдини олиш ва бартараф этишга кўпроқ боғлиқ, деб ҳисоблашади. Бироқ қачонки, низонинг юзага келиш сабаблари аниқлансагина, унинг олдини олиш ва бартараф этиш мумкин. Сабабий алоқадорликни аниқлаш фаннинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, талабанинг низоли хулқ-авторини педагогик ташхис этиш – бу нафақат талаба шахсидаги низоли хулқ-авторнинг олдини олиш ва бартараф этиш, балки унда одоб-ахлоқ қоидаларини шакллантиришга доир педагогнинг онгли фаолияти, унинг низоли хулқ-атворни юзага келтирувчи илк сабаб ва манбалар ҳақида билимга эга бўлишидир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, кенг маънода педагогик диагностика мақсадига кўра тизимли-ролли, моҳиятига кўра тизимли-функционал, таркибий қисмларига кўра синергетик ўзаро биргаликдаги ҳаракатни ифода этувчи педагогнинг диагностик фаолиятининг синергетик тизимидир. Тор маънода, педагогик диагностика бу педагог ва талабанинг синергетик ўзаро биргаликдаги ҳаракати жараёнида талаба шахсини ўрганиш, тарбиялаш, ўз-ўзини тарбиялашнинг бирлиги сифатида шакллантирувчи, тарбияловчи моҳият касб этади.

Талабаларнинг низоли хулқ-атворининг педагогик диагностикаси мазмуни тизимли функционал-ролли, мотивацион ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар – яхлитликда профессор-ўқитувчининг диагностик фаолияти синергетиклик асосида амалга оширилса, мақбул ва ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Талабаларни низоли хулқ-атворининг педагогик диагностикасига тизимли функционал-ролли ёндашув (макродаража) ўзида диагностиканинг умумий (тизимли-ролли) ва жараёнга доир (тизимли-функционал) тузилмаси педагогга муаммо ечимига яхлит ечим топиш, низоли хулқ-атвор сабабларини аниқлаштириш ва таснифлаш, низоли хулқ-атвор сабабларини талабалар билан биргаликда излаш, талабаларга

Ўзининг низоли хулқ-авторининг ҳақиқий сабабларини англаштишга эришиш имконини беради.

Диагностика ва ўз-ўзини ташхис этиш талабанинг низоли хулқ-атворини юзага келишини ўрганишнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади: ўз-ўзини англаш жараёнида талаба шахси билан боғлиқликда диагностик воситалар қамрови кенгайди, объективлик таъминланади ва ўзаро ҳамкорликда назоратни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Талабанинг низоли хулқ-атвори педагогик диагностикасига мотивацион ёндашув (мезо даража) низоли вазиятларни қадриятлар тизимини шакллантириш компонентлари (эмоционал, интеллектуал, вербал, хулқ-атвор) билан алоқадорликда таҳлил этишга ёрдам беради.

Таҳлил натижалари асосида педагогик низоларни келтириб чиқарувчи қуйидаги омиллар аниқлаштирилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Педагогик низоларни юзага келтирувчи омиллар тавсифи

№	Омиллар	Кўринишлари
1.	Маълумот, хабар шаклидаги ахборотлар	1) миш-мишлар; 2) ноаниқ, нотўлиқ маълумотлар; 3) шубҳа ва гумонларни ифодаловчи маълумотлар; 4) низоларга сабаб бўлувчи қоида, шиор, ақида, чақирик, даъват, ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрлар; 5) ишончли бўлмаган ахборот манбалари
2.	Ижтимоий-педагогик фаолият кўринишлари	Ижтимоий ва одоб-ахлоқ меъёрлари, амалдаги стандартлар, ижтимоий мақом, рағбатлантириш ва жазолаш, таълим хизматларини кўрсатиш юзасидан ташкил этилган низоли хатти-ҳаракатлар
3.	Ижтимоий-педагогик	Педагогик фаолият субъектлари томонидан эътироф ёки рад этилган тамойиллар, қадриятлар ҳамда таълимий эҳтиёжлар (этикод, ижтимоий-маданий, диний, маънавий-ахлоқий, ғоявий-сиёсий, касбий, оилавий қадрият ва эҳтиёжлар)га ёндашиш жараёнидаги низолар
4.	Педагогик муносабатлар	Педагогик такт ва педагогик этика (мулоқот, биргаликдаги фаолият) билан боғлиқликда юзага келадиган низолар
5.	Шахсий хулқ-атвор	Манфаат, қизиқиш, ҳаётининг интилиш ва мақсад (уларнинг келиб чиқишига субъектлар шахсида акс этадиган адолатсизлик, худбинлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, бепарволик, ўзаро хафагарчилик сабаб бўлади)

Таълим муассасалари амалиёти билан танишиш натижасида педагогик низоларнинг келиб чиқиш негизи турлича бўлса-да, асосий сабаблар қуйидагилар эканлиги маълум бўлади: педагогик талабни қўйишда талабаларнинг ёш, психологик, ва шахсий имкониятларининг инобатга олинмаслиги; педагогик талабнинг талабалар имкониятига мос эмаслиги; педагогик талабнинг қўйилишида барча талабаларга бирдек ёндашилмаслик; педагогик талабнинг қўйилишида талабаларга индивидуал ёндашилмаслик; ўқитувчиларнинг талабага нисбатан “адолатсиз” муносабатда бўлишлари; педагогик талабнинг талабалар хоҳиш-истак, интилиш ва қизиқишларига зид бўлиши; педагогик талабнинг қўйилишида самимийликнинг етишмаслиги, аксинча, буйруқ

оҳангида баён этилиши; педагогик талабнинг қўйилишида талаба шахсига ишонч билдирилмаслик ва ҳ.к.

Назарий таҳлил натижалари низолар, педагогик низолар ва уларнинг моҳияти масаласи педагогика, психология ҳамда бошқарув соҳаларида ўзига хос долзарблик касб этувчи муаммолардан бири эканлигини тўла тасдиқлади.

Шунингдек, тадқиқотда олий таълим жараёнида педагогик низоларнинг юзага келишининг асосий шарти сифатида талабаларнинг низоли хулқ-атворининг психологик-педагогик диагностик методлари аниқлаштирилди:

1. Шахснинг рамзий тасаввурларига асосланган методлар (расмли ассоциация методи – турли психологик тўсиқлар, айблов ва низоли муносабатлар вазиятидаги талаба низоли хулқ-атворининг тўлиқ англолмаган сабабларини ўрганиш учун қўлланилади).

2. Талабаларни образли фикрлашининг ўзига хосликларига асосланган методлар (талаба низоли хулқ-атворининг тўлиқ англолмаган сабабларини ўрганишни кўзда тутувчи мавзули апперцепцион тест методикаси).

3. Шахсни фикрий тасаввурларининг ўзига хослигига асосланган методлар (туғалланмаган гаплар методикаси – талабаларнинг ўз-ўзига, бошқаларга, мақсад, идеал ва хулқ-атвор мотивларига муносабатини тадқиқ этишга имкон беради; фикрий ассоциациялар методи – фикр, ҳис-туйғу билан алоқадор талаба низоли хулқ-атворининг тўлиқ англолмаган сабабларини ўрганиш учун қўлланилади).

4. Талабанинг онгли фаолиятини ўрганиш билан алоқадор умумпедагогик диагностик методлар (кузатиш, диагностик суҳбат, анкета, тест, моделлаштириш, тарбиявий вазият, контент-анализ ва ҳ.к.).

Шунингдек, тадқиқот жараёнида педагогик жараёнида юзага келадиган низоларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш жараёнидаги типик қийинчиликлар ҳам таҳлил этилди. Айниқса, педагог ва талабалар ўртасидаги коммуникатив алоқани ўрнатиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш лозим, деган хулосага келинди. Бу эса, биринчидан, педагогларнинг самарали мулоқотни ўрнатишга доир билимларининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, коммуникатив таъсир кўрсатишга доир малакаларнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Айнан педагогларда турли вазиятларда талабалар билан ўзаро бир-бирини тушунишга эришиш ва мустаҳкамлашга доир фаолиятни самарали ташкил этиш малакасининг етарли эмаслиги тарбиявий ишларнинг натижавийлигига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди (2-жадвалга қаранг).

Педагог ва талабалар ўртасида коммуникатив алоқани ўрнатишда юзага келадиган мураккаб вазиятлар таҳлили

№	Сабаблари	Фоиз кўрсаткичлари
1.	Олий таълим жараёнига педагогик-психологик мослашув билан алоқадор	15 %
2.	Ўқув фанларини ўзлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар	19 %
3.	Амалий топшириқларни бажариш билан боғлиқ муаммоли вазиятлар	16 %
4.	Талабаларнинг машғулотларга қатнашиши билан боғлиқ ҳолатлар	14 %
5.	Педагог билан талабалар билан ўртасидаги алоқалар боғлиқ тушунмовчиликлар	13 %
6.	Муаммоли талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ муаммолар	23 %

Диссертациянинг иккинчи боби **“Педагогик коррекция воситасида олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этиш шарт-шароитлари”** деб номланиб, педагогларни конфликтологик маданиятни ривожлантириш педагогик низоларни коррекциялаш омили эканлиги, талабаларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш модели ҳамда олий таълим жараёнида юзага келадиган низоларни бартараф этишнинг коррекцион технологиялари ёритиб берилган.

“Маданият” ва “педагогик маданият” тушунчасига берилган турлитуман таърифлар асосида диссертацияда “педагогнинг конфликтологик маданияти” тушунчаси интерфаол таълим муҳитида педагогик функцияларни онгли амалга ошириш ва педагогик фаолият субъектлари ўртасида юзага келадиган қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун зарур конфликтологик билим, кўникма ва фаолият усуллари тизимини ўз ичига олувчи интегратив қобилиятлар йиғиндиси сифатида талқин қилинди.

Тадқиқотда мазкур тушунча икки жиҳат билан боғлиқликда кўриб чиқилди. Биринчидан таърифда ўқитувчи томонидан педагогик функцияларнинг онгли амалга оширилиши деганда, унинг талабаларга таълим-тарбия бериши эмас, ота-оналар, ҳамкасб-педагоглар ва маъмурият билан ўзаро биргаликдаги фаолияти кўзда тутилди. Бу эса, ўз навбатида педагогнинг функцияси ўқитаётган фани билан чекланиб қолмаслиги ҳақидаги хулосани беради. Иккинчидан, тақдим этилган таъриф педагогик фаолият субъектлари ўртасида юзага келувчи қарама-қаршиликларни бартараф этишга доир ўқитувчи фаолиятини ҳам назарда тутди. Мазкур нуқтаи назар низоларни бартараф этишдаги ўқитувчининг ролини аниқлашга ёрдам беради.


Педагогнинг конфликтологик маданияти тузилмасини аниқлаштириш шахс умуммаданий компетенцияси билан боғлиқ тасаввурларга асосланган ҳолда амалга оширилди. Умуммаданий компетенция инсоннинг оламга, ўз-

ўзига, атроф-муҳитга, бошқаларга муносабатини акс эттириб, уч асосий жиҳатни ўзида акс эттиради: шахс маданияти, маънавий маданият ва ижтимоий ҳамкорлик маданияти. Ана шу нуқтаи назардан тадқиқотда педагог конфликтологик маданиятининг қўидаги компонентлари аниқлаштирилди: когнитив, перцептив, аксиологик, фикрий-фаолиятли ва коммуникатив-ижодий. Тадқиқот доирасида педагогнинг конфликтологик маданиятини ривожлантиришга доир методологик ёндашувлар қўидаги икки даражага асосланган ҳолда таҳлил этилди: назарий-методологик стратегиялар ва амалий-фаолиятга йўналтирилган тактика.

Назарий-методологик стратегия тизимли ва стратегик ёндашувларга асосланди. Тизимли ёндашув педагогнинг конфликтологик маданиятини яхлит тизим сифатида кўриб чиқишни тақозо этади. Шунинг учун конфликтологик маданиятнинг таркибий қисмларини ўзаро алоқадорликда ва алоҳида-алоҳида ўрганишни тақозо этди. Педагогнинг конфликтологик маданиятини ривожлантириш жараёнининг ўзини ҳам ўз-ўзини такомиллаштириш, мустақил билим олиш, аутопсихологик қобилиятдан иборат элементлардан иборат мураккаб тузилма сифатида қараш лозим, деган хулосага келинди. Синергетик ёндашув нуқтаи назаридан педагогнинг конфликтологик маданияти мураккаб ташкилий тизимни акс эттиради ҳамда кўплаб йўллар ва шахсий ривожланиш тенденциясига эга. Педагогнинг конфликтологик маданиятини ривожлантириш жараёнини аниқлаштиришнинг бифуркация нуқтаси унинг эволюциясини маълум босқичларида намоён бўлади. Педагогнинг конфликтологик маданияти мазмун-моҳиятига доир билимлардан келиб чиқиб, уни ривожлантиришнинг мақбул ва реал амалга ошириш “сценарий”сини лойиҳалаш имконияти юзага келади. Бу орқали нафақат бўлғуси конфликтологик маданиятни тасаввур қилиш, балки уни табиий ривожлантириш тенденциясини тадқиқ этиш усулларини тушуниб етиш имконияти яратилади.

Тадқиқотнинг амалий йўналтирилган тактикасини тавсиф этувчи методологик ёндашувлар педагогнинг конфликтологик маданиятини ривожлантириш жараёнини амалга ошириш йўллари ва ўзига хосликларини аниқлашга хизмат қилди. Амалий йўналтирилган тактика сифатида тадқиқотда шахсий фаолиятга йўналтирилган, аксиологик, акмеологик, андрагогик ва маданиятшуносликка доир ёндашувлар таҳлил этилди. Жумладан, шахсий фаолиятга йўналтирилган ёндашув педагогнинг конфлик-тологик маданиятини ривожлантириш мақсади ва мотивларининг англаш; аксиологик ёндашув ўқитувчининг низоларни конструктив ҳал этишдаги фаолиятга қадриятга йўналганлигини шакллантириш; акмеологик ёндашув ўқитувчининг касбий қобилиятини ривожлантириш асосида талабалар билан самарали коммуникатив мулоқотни ташкил этиш; андрагогик ёндашув катталар таълимини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг конфликтологик маданиятини ривожлантириш; маданиятшуносликка доир ёндашув конфликтологик маданиятни

ривожлантириш жараёнида ўқитувчини маданият субъекти ва ижодкори сифатида тавсиф этиш имконини берди. Назарий материаллар таҳлили асосида педагогнинг конфликтологик маданиятини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. “Педагогнинг конфликтологик маданиятини ривожлантириш жараёни тузилмаси”

Модел ўзида ўқитувчининг конфликтологик маданиятини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишнинг мақсадга йўналтирилган, мазмуни, ташкилий-фаолиятга йўналтирилган ва натижавийлик компонент-ларини акс эттирди. Моделнинг ўзига хослиги ўқитувчининг касбий зарурий сифатларини такомиллаштириш заруратидан келиб чиққан ҳолда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига самарали татбиқ этиш билан боғлиқдир. Ана шу мақсадда малака ошириш жараёнини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга асосланиш тавсия этилди: шахс имкониятларини ҳисобга олиш, менталлик, умумий жиҳатларга таяниш, командада ўқитиш, тизимли фикрлашни ривожлантириш.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида олий таълим муассасаси талабаларида конфликтологик компетентликни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таҳлиллар асосида конфликтологик компетентлик касбий муаммоларни ҳал продуктив ҳал этишга имкон берувчи, билиш фаолиятини рағбатлантирувчи, интегратив функцияни бажарувчи мутахассис шахсининг ўзига хосликлари, билим ва кўникмаларининг мураккаб тизимидир.

Талабаларнинг конфликтологик компетентлигини ривожлантириш компонентлари аниқлаштирилди: (3-жадвал).

3-жадвал

Компонентлар	Моҳияти
Гносеологик	Низоларнинг юзага келиш қонуниятлари, сабаблари, турлари ҳақидаги билимлар йиғиндиси
Праксиологик	Самарали биргаликдаги фаолиятга эҳтиёж; кишиларнинг ўзаро ҳаракати нуқтаи назаридан низога муносабат; ўзаро ҳурмат; эмпатия, толерантлик, конструктив ҳулқ-атвор.
Аксиологик	Низоларни бартараф этиш технология ва стратегияларни ўзлаштириш; низоли вазиятларда конструктив ўзаро ҳаракатни амалга оширишнинг зарурий кўникмалари йиғиндиси.
Рефлексив	Ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг мақбул шакли сифатида диалогга эҳтиёж; рефлексия (ўз-ўзини таҳлил этиш)

Тадқиқот доирасида касбий мослашув асоси сифатида бўлажак мутахассиснинг конфликтологик компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг). Моделларнинг турларини таҳлил этиш асосида тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда тузилмали-мазмунли типга асосланиб, унинг яхлитлиги структурал (мақсад, мазмун, жараён, натижа) ва мазмунга доир (талабаларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш босқичлари, педагогик, методик ва

диагностик таъминот) компонентлари уйғунлигини таъминлашга хизмат қилди.



2-расм. Бўлажак мутахассисда конфликтологик компетентликни ривожланитириш модели

Мазкур модел бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш ва ижтимоийлашуви натижаларини башоратлашнинг назарий-технологик асослари сифатида намоён бўладиган мақсад, мазмун, мезонлар, босқичларини акс эттирадиган концептуал, ташкилий-технологик ва аналитик-коррекцион блокларни ўз ичига қамраб олди.

Концептуал блок ўзида олий таълимнинг яхлит ўқув-тарбия жараёнида Давлат таълим стандартлари талаблари, ижтимоий буюртмага асосланган аниқ мақсад ва вазифалар, методологик асослар (ёндашувлар, тамойиллар)ни акс эттирди.

Моделнинг ташкилий-технологик блоки бўлажак мутахассисда конфликтологик компетентликни ривожлантириш бўйича педагогик фаолият босқичлари, мазмуни, методик таъминотини такомиллаштириш шарт-шароитларини аниқлашга хизмат қилди.

